ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК: ТАРИХИЙ-СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Ш.ВАЛИЕВ

Статья посвящена социологическому исследованию модели религиозной толерантности тимуридов и бабуридов; данная модель может найти своё применение и в наши дни.

The article is devoted to sociological research of the model of religious tolerance of the Timurids and Baburids: given model can find its application nowadays.

Инсоният тарихи миллий ва диний бағрикенглик ғоясига риоя қилиш ижтимоий тараққиётга, аксинча, миллий ва диний чидамсизлик, мутаассиблик, тажовузкорлик қирғинбарот урушларга, вайронгарчиликка, қурбонларга сабаб бўлганлигидан далолат беради.

Бизнинг давримизда ҳам ўзга эътиқодларга тоқатсиз мутаассиб кучлар халқаро терроризм билан ҳамкорликда қонли фожиаларни келтириб чиқармоқда, жамият барқарорлигига таҳдид солмоқда. Марказий Осиё, Ўзбекистон ҳам бу таҳдиддан холи эмаслиги маълум.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ижтимоий-гуманитар фанларда бағрикенглик категорияси ва уни структуравий-функционал тадқиқ қилиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда, илмий мақолалар эълон қилинмоқда [2,3,5].

Бироқ масалага миллий мафкурамиз тамойиллари ва концепциялари асосида ёндашадиган бўлсак, ҳозирча туркий халқлар ва унинг бир бўғини бўлган ўзбек халқининг диний бағрикенглик анъанаси, унинг моҳияти, тарихий тажрибаси, мустақиллик йилларида қайта тикланиши ва ривожи махсус муаммо сифатида тадқиқ қилинганича йўқ. Диний бағрикенгликнинг умуминсоний қадрият ва миллий мафкурамизнинг асосий ғояси сифатида ана шундай тадқиқ қилиниши, бизнингча, илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Негаки, «турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган аждодларимизнинг серқирра тажрибасидан бугунги миллатлараро, диний ва этник асосдаги ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда самарали фойдаланиш мумкин" [2.131].

Агар ҳозирги давр оловли ҳудудларидаги қонли можароларнинг сабаблари таҳлил қилинадиган бўлса, улар кўп жиҳатдан миллий ва диний низолар билан боғлиқ эканлиги кўзга яққол ташланади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда халқаро ташкилотлар, бир қатор давлатлар, жумладан, Ўзбекистон давлати ҳам бу масалага доимий эътибор бермоқда.

Диний бағрикенглик – толерантлик муаммоси бўйича 1995 йилда ЮНЕСКО қабул қилган "Динлараро ва маданиятлараро мулоқот" дастури алоҳида аҳамиятга эга. Унинг асосида Барселона (1994), Работ I (1995), Мальта (1997), Работ II (1998), Бишкек (1999), Тошкент (2000) шаҳарларида ўтказилган динлараро мулоқот мавзуидаги халқаро анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларда маданиятлараро ва динлараро мулоқотга таълим-тарбия жараёнида алоҳида урғу бериш тавсия қилинди [3.331].

2000 йил 14-16 сентябр кунлари ўтказилган ЮНЕСКОнинг Тошкент анжумани якунловчи ҳужжатида "модомики, динлар, маънавий қадриятлар ва маданиятларни тушуниб етмаслик ва нотўғри талқин қилиш билимсизлик ва нодонликка сабаб бўлаётган экан, бинобарин, турли даражадаги расмий ва норасмий таълимда барча динларни ўрганиш ва тушунишга устуворлик берилиши" зарурлиги таъкидланади [3.177].

Шу нуқтаи-назардан қараганда, миллий мафкурамизнинг ўзаги сифатида эътироф этилувчи диндан дунёни бўлиб олишга уринувчи мафкуралар ижтимоий-тарихий омил сифатида фойдаланаётганини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Негаки, бу мафкуралар ўтмишга айланган халифаликни қайта тиклаш ниқобида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмоқда. Улар мутлақо бошқа ёвуз мақсадларни кўзлаган халқаро террорчилик ва диний экстремизм марказлари томонидан моддий-маънавий жиҳатдан таъминланиб, сиёсий можароларни келтириб чиқариш орқали давлатимиз тараққиётига тўғаноқ бўлиб, мустақиллигимизга рахна солишга уринмоқда.

Ҳозирги глобаллашув жараёни шароитида инсоният олдида ечимини кутаётган глобал муаммолар турли-туман маданий ва диний қадриятларни яқинлаштириш, улар ўртасидаги мафкуравий хуружларни бартараф қилишни тақозо қилмоқда. Бу борада диний бағрикенглик ғояси ва унга оқилона амал қилиш энг рационал омил эканлиги тарихан синалган ҳақиқатдир. Инсоният ўтмишининг турли даврларидаги цивилизациялар тарихи бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Дин ва ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан бағрикенглик, унинг моҳияти, структураси, шакллари ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга рационал тадбиқ этиш масалаларини монографик планда тадқиқ қилиш ҳозирги давр учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, глобаллашув шароитида халқаро терроризмнинг диний мутаассиб кучлар ва уларнинг мафкурасидан фаол фойдаланаётгани кўп жиҳатдан мафкуравий ва диний плюрализмга

зид бўлган ўзгача фикр ва эътиқодларга нисбатан тоқатсизлик ва тажовузкорлик сабабидан юз бермоқда. Бундай хавфнинг олдини олиш ва бартараф қилишда диний ва миллий, мафкуравий ва ғоявий плюрализмнинг бой тарихий тажрибаси ва унинг жамият ривожига кўрсатган ижобий таъсирини ўрганиш ҳам долзарб илмий масалалардан биридир.

Ана шу нуқтаи назардан ёндашилганда камдан-кам халқлар қаторида "ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар ва конфессиялар вакилларига нисбатан ўзининг хайрихоҳлик ва ҳурмат билан ёндашишини намоён этиб келган" [4.128.]лигини кўплаб тарихий манбалар тасдиқлайди. Бу эса ўзбек халқининг ўзига хос миллий ва диний бағрикенглик фазилати ҳозирги даврда янги кучга айланишининг тарихий илдизлари борлигини ва уларни ўрганиш долзарблигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Ушбу мақолада қадимги туркийлар, темурийлар ва бобурийларнинг диний ва миллий бағрикенглик сиёсати, унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлик, иқтисодий, диний-маданий тараққиётга самарали таъсири хусусида қисқача фикр юритмоқчимиз. Бу муаммо бўйича хориж ва ўзбек тарихчилари ўз асарларида қимматли маълумотларни берганлар. Уларда ноёб манбаларда учрайдиган тарихий далиллар илмий таҳлил қилинган, тегишли баҳо берилган, истеъмолга киритилган. Бироқ халқимизга хос бағрикенгликнинг илдизлари, баъзи тадқиқотларда эътироф этилганидек, ислом дини, айниқса, минтақамиз халқлари мансуб бўлган ханафийлик мазҳабининг барча халқлар миллий урф-одатлари ва маросимларига ҳурмат-эҳтиром билан қараш концепциясигагина эмас, балки халқимизнинг антик даврлардаги тафаккурига ҳам бориб тақалади.

Туркий халқларнинг энг қадимги тарихи ҳақидаги маълумотлар қадимги хитой солномалари ва юнон-рим тарихчиларининг китоблари, тарихий-моддий топилмалар, сон-саноқсиз тошбитиклар орқали бизгача етиб келган. Уларда саклар, массагетлар, сарматлар, хунлар, турк хоқонлари ва саркардалари тарихи хусусида ғоят қимматли хабарлар берилади. Бу манбаларда қадимги аждодларимизнинг миллий ва диний бағрикенглик фазилатлари ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар учрайди.

Масалан, қадимги Рим шоири ва тарихчиси Овидий 24 ёшидан то кексайиб вафот этгунга қадар Қора денгиз соҳилларида яшаган сарматлар орасида умргузаронлик қилган [5.290]. Сарматлар бир нечта туркий қабилалар бирлигидан ташкил топган давлатга эга бўлган. Овидий сарматлар тарихини, урф-одатларини, диний эътиқодларини ўрганган ва «Мусибатнома", "Понтадан мактублар" номли китоблар ёзган. Бу китоблари учун сарматлар йўлбошчиси Овидийни олий мукофот билан тақдирлайди ва бўйнига гулчамбар тақиб қўяди [5.290]. Бу маълумот қадимги туркийлар ўзга халқларга дўстона муносабатда бўлганидан гувоҳлик беради.

Эрадан олдинги VI асрда минтақамизнинг улкан ҳудудида яшовчи сак ва массагет қабилаларини бирлаштириб йирик империя ташкил қилган Тўмарис номи ўнлаб китоблардан жой олган. Мазкур манбаларда Тўмарис жасур, оқила, ватанпарвар йўлбошчи эканлиги таъкидланади. Унинг бу олижаноб фазилатлари юртига хиёнаткорона бостириб кирган Эрон шоҳи Кир II га қарши курашидаги тарихий жасоратида намоён бўладики, бу юртимизнинг барча кишиларига маълум. Бизни сак-массагетлар тарихига оид бошқа тафсилотлар қизиқтиради. Сак-массагетлар аждодларнинг арвоҳларига, Коинотдаги сайёраларга, Қуёшга, Ойга, юлдузларга сиғинишган. Кейинча, ўтроқлашганларидан сўнг, улар Осмон Тангрига эътиқод қилишган. Эътиқодлари шу қадар рангбаранг бўлишига қарамай, ўзаро аҳилликда яшаганлар ва шу туфайли ҳам юртини кучли ташқи душманлардан ҳимоя қила билганлар. Анъанага кўра, сак-массагетлар вафот этган подшолари ва саркардаларини иззат-икром билан дафн этишган. Дафн маросимларида узоқ-яқиндан турли тилларда сўзлашувчи ва турли динларга мансуб халқларнинг вакиллари иштирок этганлар.

Эрамизнинг VI асрида (тахминан 646-731 йиллар) яшаган машҳур турк хоқони Тўнюқуқ (Тўнюқуқ – қадимги туркийча сўз бўлиб, "билимдон" маъносини билдиради) барча турк хоқонларини бирлаштирган ва уларни табғач (хитой)лар асоратидан халос қилган. У "Тангри мададкор бўлсин!" деган шиор остида аскарларини табғачларга қарши жангга чорлаган. Жангда ғалаба қилади. Асир олинган душман аскарларини ўша заҳотиёқ ватани ва халқига қайтариб юборади, уларни ёлғон сиёсат билан алдаган бошлиқларини қатл қилади. Олийжаноблик ва бағрикенгликдан хабар берувчи бу маълумотлар Тунюқуқ буйруғи билан тошга ўйиб ёздирилган [5.290-292].

Бошқа туркий халқларнинг бир бўғини бўлган ўзбек халқи ҳам ўз аждодларининг урф-одатлари, маросимлари, анъаналарига, инсоний фазилатларига содиқ бўлган, уларни қадрлаган, асраб авайлаган ва янги тарихий шароитга мос равишда ривожлантирган. Амир Темур, Шоҳруҳмирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Мирзо Бобур, Акбаршоҳлар миллий ва диний бағрикенглик фазилатлари билан ўз давлатларини мустаҳкамладилар ва равнақ топтирдилар. Бу ҳақда ўзбек ва хориж тарихий манбалари ғоят бой ва ҳаққоний маълумотлар беради. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуклари"да дунёвийлик ва динийлик уйғунлиги давлатни бошқариш омили қилиб олингани алоҳида қайд қилинади [5.53-57]. Испан элчиси Клавихионинг китобида Амир Темур пойтахти Самарқандда турли миллатга ва динларга мансуб олиму фозиллар, уламою ҳунармандлар, санъаткорлар ҳамкорликда фаолият олиб борганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Амир Темурнинг миллий ва диний бағрикенглик сиёсати туфайли, венгер олими Вамбери ҳақли равишда таъ-

рифлаганидек, Ислом маданияти маркази яқин Шарқдан Самарқандга кўчди. Чингиз Айтматов тўғри таъкидлаганидек, Амир Темурнинг диний толерантлиги бизнинг кунларда ҳам истисносиз этнослараро, конфессияларо муносабатларга модель бўлиб хизмат қилиши мумкин [11.295].

XV аср муаррихи Хондамир ўзининг "Ҳабибус-сияр" китобида Мирзо Улуғбекнинг ислом дини бўйича юксак билимдонлиги ва толерантлигини тасдиқловчи бир воқеани ҳикоя қилади. Унда айтилишича, Улуғбекнинг замондоши нуфузли уламо Саид Ошиқ шоҳнинг бағрикенглигига тоқатсизлик қилиб, катта бир зиёфатда унга нисбатан дилозорлик ва беодоблик қилади. Зиёфат пойтахтда Мирзо Улуғбек ғоят ноёб лойиҳа асосида қурдирган ҳаммомнинг битказилишига бағишланган эди. Маросимда аёл санъаткорлар ҳам хизмат қилиб, зиёфатга файз киритади. Бу ҳол унда қатнашган уламо Саид Ошикда ғазаб уйғотади. У ранжиган алфозда қизим сенга гапиряпман, келиним сен эшит қабилида Шайхулисломга қарата: "Шайхулислом исломдан юз ўгирди; қайси мазҳабга асосланиб эр ва аёлларнинг бирга ўтириб қўшиқ айтишига ижозат бериляпти?" – дея эътироз билдиради [6.212]. Бу, аслида, зиёфат соҳиби Улуғбекка нисбатан эътироз ва ҳурматсизлик эди. Муаллифнинг ёзишича, бу Саид Ошиқнинг шоҳга нисбатан иккинчи марта ҳурматсизлик қилиши бўлган. Мутаассиб уламонинг ихтилофий қилмиши тез орада пойтахт аҳли орасига тарқалади. Саид Ошиқ муаммо бўйича Шайхулисломга арз қилади. Саройнинг нуфузли ҳайъати аризани кўриб чиқиб, можарони Улуғбек фойдасига ҳал қилади, - деб тасдиқлайди Хондамир [6.212].

Табиийки, ўша давр шароитини эътиборга олсак, ҳайъатнинг ҳукми ханафийлик мазҳаби тамойилларига асосланган. Демак, Мирзо Улуғбек ўзи мансуб бўлган мазҳаб ақидаларига мувофиқ йўл тутган.

Динлар, мазҳабларо бағрикенгликка Султон Ҳусайн Мирзо салтанатида ҳам риоя қилинган. Бу хусусда "Бобурнома"да қимматли хабар берилади: "...Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида, - Мирзонинг тасарруфидан ва такаллуфидан Хириннинг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди" [7.138-143]. Таниқли ҳинд олими М.Рандхава ҳам бу ҳақиқатни қуйидагича таъкидлайди: "Маърифатли Шоҳ Султон Ҳусайн ғамхўрлиги туфайли Ҳирот XV асрда йирик маданият марказига айланди" [8.138-143]. Бобурмирзо ана шу йирик маданий марказнинг реал манзарасини чуқур ва кенг тавсифлайди.

Хуросонда деярли 40 йилча ҳокимлик қилган Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам Амир Темур давридагидек руҳонийлар имтиёзли мавқеда турдилар. Мамлакатнинг, ҳатто чет эл мусулмон мамлакатларининг турли шаҳарларидан билимдон олимлар, машҳур шоирлар қатори турли ислом мазҳабларига мансуб руҳонийлар ҳам Ҳиротга, Султон Ҳусайн Бойқаро саройига ихтиёрий равишда тўпландилар. Улар илоҳиёт масалалари билан бирга ҳикмат (фалсафа), ақлиёт (мантиқ) адабиёт, табобат, мусиқа билан фаол шуғулландилар. Бобурмирзо Ҳиротда бўлганида, шаҳарнинг машҳур дин арбоблари ҳақида кенг маълумот йиғади ва уларни мемуарига сингдиради. "Бобурнома"да ўндан ортиқ машҳур илоҳиёт олимлари зикр қилинади, уларнинг илмий савияси, диний-ижтимоий фаолияти шарҳланади. Улар орасида Шайхулислом Садриддин Аҳмад, Мавлоно Шайх Ҳусайн Муллазода, Мулло Усмон, Мир Мумтоз, Мулло Мақсуд Ширвоний, Мир Жамолиддин Мир Атаулло Машҳадий, Қози Ихтиёр, Мир Муҳаммад Юсуф энг мўътабар илоҳиётчилар сифатида машҳур эдилар. Уларнинг кўпчилиги ислом фалсафаси – қалом, фиқх илмининг чуқур билимдонигина бўлиб қолмай, шу билан бирга дунёвий илмлар ва бадиий ижод билан ҳам фаол шуғулланган. Бобир Мирзонинг тасдиқлашича, Мавлоно шайх Ҳусайн "Ҳикамиёт (фалсафа) ва ақлиёт (мантиқ) ва калом (ислом фалсафаси) илмини хўп билур эди" [7.141-143]. Мазкур уламо оз сўз билан кўп мазмунни ифодалашда тенги йўқ воиз бўлган. Муллазодаи Мулло Усмон 14 ёшидаёқ Самарқанд мадрасасида (Улуғбек даврида) дарс берган етук мударрис эди. Улуғбек ўлимидан сўнг у Ҳиротдан паноҳ топган.

Бобирмирзо Мир Мумтознинг илмий қобилияти, тақводорлиги билан бирга, шатранж (шахмат)га ўта берилганини ҳикоя қилади. Бу уламо шахматга шу даражада берилганки, Бобирмирзонинг ёзишича, у «Агар икки ҳариф (ўйинчи) учраса, бири билан шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутб ўлтирур экандурким кетмагай деб" [7.321].

Бобирмирзонинг хабар беришича, Қози Ихтиёр ва Мир Муҳаммад Юсуф шариат илмида машҳур бўлиш билан бирга ҳарбий ишга ва сардорликка жуда қизиққанлар.

Шайхулислом Сайфиддин Аҳмад, Мавлоно Шайх Ҳусайнлар Ҳусайн Бойқаро сиёсатига ижобий таъсир ўтказганлар. Шуниси эътиборга лойиқки, Бобурмирзо айрим уламоларнинг нуқсонларини қайд этишга жасорат қила олган.

Бобирмирзо Сайфиддин Аҳмаднинг шофиъий мазҳабидан, Мир Муҳаммад Юсуфнинг шиа оқимидан эканлигини ҳам тилга олади. Бинобарин, Бойқаро саройида исломнинг турли мазҳаб ва оқимларига мансуб уламолар биргаликда фаолият олиб борганлар.

Англашиладики, Султон Ҳусайн Мирзо даврида дунёвийлик ва динийликнинг мутаносиблигига, толерантликка амал қилинган. Дин уламолари исломнинг қайси йўналиши ёки мазҳабига мансублигидан қатъи назар, аҳил бўлганлар. Бу эса жамиятда қирқ йилча барқарорлик бўлишига, фан, маданият ва иқтисод ривожига хизмат қилган.

Диний бағрикенглик меросимиз тизимида Мирзо Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга қолдирган махфий васиятидаги фикрлар алоҳида аҳамиятга эга. "Эй фарзанд! – дейилади васиятномада, - Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан ибо-

рат. Субҳанолло таоло ҳақки сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подишоҳга яхши назар билан боғланади... Исломнинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхширокдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгилки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади" [9.331]. Бу фикрлар ёзилган вақтда Ғарбий Европада диний, ҳатто мазҳабларо муросасизлик ҳукмрон эди. Католиклик динида ўзга динлар билан муросасозлик ўлимга тенг гуноҳ ҳисобланарди. Рим папаси жорий қилган инкивизициянинг ҳар қандай ҳур фикр соҳибини жиноятчи ҳисоблаб азоблаши, қатл қилиши авжига чиққанди. Шу қиёслашнинг ўзи Бобур Мирзонинг диний бағрикенглик сиёсати нақадар буюк ҳодиса бўлганини кўрсатади. Шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг ўз ўғлига қолдирган васияти бугун ҳам динлараро муносабатларни соғломлаштириш, яқинлаштиришга, ислом ичидаги жоҳил кучларнинг ғояси асоссизлигини фош қилишга хизмат қила олади.

Демак, Бобур Мирзо ўз авлодларига империяни дунёвий бошқариш сиёсати билан бирга динга нисбатан холислик сиёсатини ҳам мерос қилиб қолдирди. Бу мерос Акбаршоҳ ва Шоҳжаҳон даврида империянинг янада юксалишига самарали хизмат қилди. Уларнинг бу тажрибасини махсус тадқиқ қилиш тақозо қилинади.

Мустақиллик туфайли Амир Темур, Бобур Мирзолар анъаналарининг давоми ўлароқ, халқимизнинг диний бағрикенглик қадрияти қайта тикланди ва ривожлана бошлади. Бу борадаги ютуқларимизни Рус православ черковининг патриархи Алексий II нинг Президентимиз Ислом Каримовга йўллаган мактубидаги қуйидаги фикрлари яққол ифодалайди: "Сизнинг доно ва узоқни кўзловчи сиёсатингиз туфайли нисбатан ёш суверен Ўзбекистон давлатида турли миллат ва эътиқод кишилари маънавий кучли ва руҳан соғлом давлат барпо этиш йўлида биргаликда меҳнат қилаётганини кўриш менга улкан қувонч бахш этди... Ўйлайманки, давлат тартиботлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги мавжуд хайрли ҳамкорлик ва самарали ўзаро саъй-ҳаракатлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа давлатлар учун ҳам яхши ибрат бўлиб хизмат қилади" [2.25].

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ғояси ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Мамлакатимизда йигирмага яқин турли диний конфессия вакиллари ўзаро ҳамкор ва якдил бўлиб стратегик мақсад – демократик давлат, ҳуқуқий ва фуқаровий жамият барпо қилмоқда. Бироқ мавжуд мафкуравий вазият – дин ниқобидаги ғоявий тажовуз ва таҳдид диний ва миллий бағрикенглик ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш самарадорлигини янада оширишни тақозо қилмоқда. Бу борада аждодларнинг диний бағрикенглик қадриятини янада чуқур ўрганиш ўзига хос аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ва диний бағрикенглик бўйича халқимиз бой тарихий тажрибага эга. Бу тажрибани чуқур ўрганиш ижтимоий фан вакилларининг долзарб вазифасидир. Унинг ечими бўйича билимлар "Ўзбекистон тарихи", "Диншунослик", "Дунё динлари тарихи", "Маънавият асослари" каби дарсликларга киритилиши, аҳоли орасида кенг тарғиб қилиниши фойдали бўлур эди деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ульрих Рудолф. Сўзбоши. // Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т., 2001
2. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Илмий мақолалар тўплами.- Т.: Тош.ДТУ, 1998
3. Абдуллаев А., Иноғамов Ф. Динлараро мулоқотнинг янги даври. // Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари.- 2000.- № 4.- сони. бб.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1998
5. Айтматов Чингиз, Шохонов Мухтор. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори.- Т.: Шарқ, 1998
6. Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони.- Т.: Шарқ, 2005.
7. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома.- Т.: Шарқ, 2002
8. Рандхава М. Сады через века.- М.: Знание, 1981
9. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. –Т.: Шарқ, 2008
10. Темур тузуклари.- Т., 1991
11. Айтматов Ч. Амир Темур очган йўллардан. // Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари.- 2000.- № 3.

Андижон давлат университети
2011 йил 3 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)